

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**СУЛЕЙМАНОВА НАРГИЗА МАРДОНОВНА**

**ГАПНИНГ НОМИНАТИВ АСПЕКТИ ВА СИНТАКТИК**  
**МУНОСАБАТЛАР**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҶЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Сулейманова Наргиза Мардоновна**

Гапнинг номинатив аспекти ва синтактик муносабатлар.....5

**Сулейманова Наргиза Мардоновна**

Номинативный аспект предложения и синтаксические отношения.....27

**Suleymanova Nargiza Mardonovna**

The nominative aspect of sentence and syntactic relations.....47

**Эълонқилинганишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....50

**ФАРҒОНА ДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**СУЛЕЙМАНОВА НАРГИЗА МАРДОНОВНА**

**ГАПНИНГ НОМИНАТИВ АСПЕКТИ ВА СИНТАКТИК**  
**МУНОСАБАТЛАР**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.2.PhD/Fil190 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифанинг [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот – таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Турниязов Нигмат Қаюмович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**УсмоноваХуриниса Шараповна**  
филология фанлари доктори, профессор

**СапарниязоваМуяссар**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: манзил бўйича: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-44-91; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz).)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: манзил бўйича: (99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунлари тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Х.Ҳақимов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.,

**М.Т.Зокиров**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.  
доцент

**С.М.Мўминов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида ҳозирги пайтда инсоннинг нутқий фаолияти ва оламнинг лисоний манзарасини тасвирлаш имкониятларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда тил бирликларини инсон омили билан боғлиқ ҳолда ўрганиш анъанаси етакчилик қилмоқда. Хусусан, нутқий жараённинг ташкил этилиши масаласи ҳозирги тилшуносликнинг аҳамиятга эга бўлган тадқиқот объектларидан бири саналади, зотан, бу ўринда инсон омили муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида танланган мавзу бўйича умумий тилшунослик ҳамда хусусий тилшунослик доирасида тадқиқот ишлари бажарилган. Бироқ шундай бўлишига қарамай, бу соҳада ҳали ўрганилиши лозим бўлган муаммолар кам эмас. Хусусан, тил бирликларини ҳам, нутқ бирлиги – гапни ҳам когнитив-прагматик тамойиллар билан боғлаб ўрганиш борасида бажарилган тадқиқот ишлари ҳали жуда кам. Бундан ташқари, коммуникативлик, предикативлик, пропозиция ва номинативлик ҳодисаларининг ўзаро муносабати, уларнинг кесишиш нуқтасини белгилаш ва дифференциал белгиларини ўрганиш масаласига ҳозирга қадар том маънода эътибор қаратилгани йўқ.

Бугунги кунда жамиятимизда юз бераётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар ҳамда фан-техника тараққиёти замонавий ўзбек тилшунослигида тилнинг имманент реаллигига эътиборнинг кучайишига олиб келмоқда. Ўзбек тилшунослигида гапнинг номинатив аспекти масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса-да, кутилган натижаларга ҳали эришилгани йўқ. Сўнгги йилларда синтактик структураларнинг номинатив маъносини ўрганиш масалалари ҳам кун тартибига қўйила бошлади ва у бугунги кунга келиб, алоҳида синтактик муаммо сифатида эътибор қозонди. Бу, ўз навбатида, фан тараққиётини янги босқичга кўтарди. “Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин”<sup>1</sup>. Бу фикрлар, албатта, ўзбек тилшунослигига ҳам тааллуқлидир. Бугунги кунда ўзбек тилшунослиги, жумладан, синтаксиси олдида замонавий тараққиёт тамойилларига асосланган истиқлол даври тил сиёсати асосида янги тадқиқотлар яратиш вазифаси қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сонли «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-

<sup>1</sup>Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувида сўзлаган нутқидан/<http://president.uz/uz/lists/view/169>.

тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тилшунослик фани тараққиётининг бугунги давригача тилнинг фонетик, сўз ва гап сатҳларига тааллуқли бўлган кўплаб масалалар атрофлича ёритилди. Шу жумладан, лексик номинация (Блумфилд Л., Теньер Л., Смирницкий А.И., Карцевский С.О., Колшанский Г.В., Кубрякова Е.С., Усмонов С., Ҳожиев А.) ва пропозитив номинация (Арутюнова Н.Д., Солнцев В.М., Ломтев Т.П., Москальская О.И., Турниязов Н., Давлатова Р.Ҳ.) масалалари ҳам тадқиқотлар кун тартибда долзарб бўлди. Мазкур ишларда номинатив бирликларнинг тил ички ва ташқи ситуацияларига муносабати, денотат-сигнификат ўртасидаги боғланиш каби масалаларга жиддий эътибор берилди. Бу, албатта, тилшунослик фанида амалга оширилган ўлкан ютуқни тақозо этади.

Бироқ тилшунослик фани ҳам, бошқа фанлар билан бир қаторда, доим тараққиётда бўлгани боис, айти пайтда пропозитив номинация бобида янги-янги фикрлар ҳам айтилмоқда. Улар жумласига микро – ва макропропозиция ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган микро ва макроситуация каби тушунчаларни киритиш мумкин (ван Дейк). Мазкур тушунчалар ва уларнинг когнитив – прагматик тадқиқи масаласи ҳозирги тилшунослигимизда изоҳталаб бўлиб турибди. Бундан ташқари, гапнинг предикативлик ҳодисаси ва унинг пропозитив структурага муносабати хусусида билдираётган фикр ва мулоҳазалар ҳам ўта мунозаралидир. (Касевич В.В., Манаенко Г.Н., Степанов Ю.С.).

Баъзи тилшунослар (Степанов Ю.С.) пропозиция ҳодисасини предикативликдан фарқ қилмаяптилар. Айрим тадқиқотчилар эса предикативликни тил ҳодисаси тарзида тадқиқ этаётган бўлишса (Нурмонов А.), бошқалари эса уни (Ломтев Т.П., Турниязов Н.) мантикий ҳодиса сифатида ўрганишмоқдалар. Гапнинг номинатив аспектини ўрганиш бобида ҳам талайгина тадқиқ талаб масалалар кўзга ташланади. Пропозитив номинация ҳодисаси ҳам ҳали когнитив-прагматик нуқтаи назардан талқин этилгани йўқ.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режаларининг “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” йўналиши билан узвий боғлиқ.

**Тадқиқот мақсадисинтактик** структуралар муносабатлари асосида гапнинг номинатив ва пропозитив хусусиятларини тадқиқ этиш ва улар билан боғлиқ масалаларнинг илмий талқинини ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

нутқ жараёни ва унинг коммуникатив ҳолатини ўрганиш ва бунда нутқ бирликларининг деривацион хусусиятларига эътибор қаратиш;

нутқ жараёнининг муайян ситуация билан боғлиқ бўлиши ва мазкур вазиятда номинатив маъно шаклланишини ўрганиш;

пропозиция, номинация, коммуникативлик ва предикативлик ҳодисаларининг ўзаро муносабатини тушунтириш ва уларнинг ҳар бирининг ўзига хос мақомини илмий изоҳлаш;

лексик номинация ҳодисасининг талқинини бериш;

пропозитив номинация ҳодисасини атрофлича изоҳлаш;

лексик ва пропозитив номинацияларнинг қиёсий талқинини бериш;

гапнинг номинатив аспекти ва унинг синтактик структуралар билан муносабатини кўрсатиш;

коммуникативлик ва пропозитив номинация ҳодисаларининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш;

предикативлик ва пропозитив номинация ҳодисаларининг илмий тавсифини бериш;

сўзловчининг иллокутив режаси ва дискурс (гап материалида) шаклланишининг когнитив-прагматик тамойилларини изоҳлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида мустақил сўзлар ва гап олинди.

**Тадқиқот предмети** фактик тил материалининг денотат-сигнификат, пропозитив номинация ва ситуация ҳодисаларига муносабат ташкил этади.

**Тадқиқотда қўлланилган методлар.** Тадқиқот материали тахлилида структур тилшуносликнинг бевосита иштирокчилар, трансформация, аппликация методлари ва ўрни билан дистрибутив таҳлил методи қўлланилди.

**Тадқиқотнинг янгилиги** қуйидагилар билан белгиланади:

лексик номинациянинг луғат бирлиги, пропозитив номинациянинг эса гапнинг мазмуний асоси бўйича лексик номинациядан пропозитив номинацияга ва аксинча, пропозитив номинациядан лексик номинацияга кўчиш ҳодисалари далилланган;

синтактик структураларнинг номинатив аспекти ва уларнинг деривацион хусусияти ёритилган;

денотат-сигнификат муносабати тил бирликлари ва нутқ бирликлари мисолида очиб берилган;

гапнинг предикатив, коммуникатив, номинатив, пропозитив хусуситларининг ўзаро муносабати, уларнинг кесишиш нуқтаси ва когнитив-прагматик белгилари аниқланган;

нутқ бирликлари номинатив, пропозитив хусусиятларининг шаклланиши сўзловчининг мулоқотдан мақсади билан узвий алоқадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари**қуйидагилардан иборат:

нутқ жараёни ҳамда унинг коммуникатив хусусиятларини ўрганиш ва бунда нутқ бирликларининг деривацион тамойилларига қатъий риоя қилиш каби масалалар тадқиқига жиддий эътибор қаратилган;

нутқ жараёнининг муайян экстралингвистик омил – ситуация билан боғлиқ бўлиши ва мазкур ситуация оғушида номинатив маъно шаклланиши атрофлича ёритилган;

пропозиция, номинация, коммуникативлик, предикативлик ҳодисаларининг ҳар бирига хос бўлган лингвистик мақоми ҳамда уларнинг коммуникатив жараёнда ўзаро кесишиши ҳодисасининг илмий талқини берилган;

лексик ва пропозитив номинация ҳодисалари, гапнинг номинатив аспекти ҳамда унинг синтактик структуралар билан муносабати талқинининг мукамал берилишига эришилган. Бу жараёнда микро – ва макропропозиция, шунингдек, микро – ва макроситуация тушунчаларига ҳам мурожаат этилган;

сўзловчининг иллокутив режаси ва гап шаклланишининг когнитив-прагматик тамойиллари изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** танланган мавзуга доир билдирилган назарий фикр ва мулоҳазаларнинг йирик тилшунос олимларнинг назарий ғояларига асосланганлиги билан аниқланади. Бундан ташқари, олинган натижаларнинг ҳар бири фактик тил материали воситасида далилланмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Ҳозирги тилшуносликда гапнинг ва умуман, дискурс ҳамда унинг сегментларининг номинатив маъносини ўрганиш, хусусан, пропозитив номинация ҳодисасининг талқини ўта муҳим илмий аҳамиятга эга эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Айниқса, масала тавсифининг когнитив-прагматик тамойиллар доирасида ўрганилиши муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ишнинг амалий аҳамияти эришилган натижаларнинг олий ўқув юртлари филология факультетларида ҳамда чет тиллар институтида дискурс ва унинг сегментлари лингвистик мақомини ўрганиш жараёнида ўз ифодасини топади. Бунда гап ва ундан катта нутқ бирликларининг муайян ситуация ифодаси билан боғлиқлиги ва бу орқали пропозитив номинация вужудга келиши муҳим аҳамият касб этади. Зотан, нутқ жараёни номинатив бирликларнинг ўзаро муносабатидан ташкил этади. Ана шунинг ўзи ҳам тадқиқотнинг амалий аҳамияти салмоқли эканлигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларидан илмий изланувчилар ўз ишларида, шунингдек, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини ёзишда самарали фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гапнинг ва умуман, дискурс ҳамда унинг сегментларининг номинатив маъносини, хусусан, пропозитив номинация ҳодисасининг талқини бўйича олинган натижалардан:

номинатив бирликларнинг моҳияти, синтактик-семантик мақоми ва функционал хусусиятлари билан боғлиқ илмий-назарий хулосалардан ОТ-Ф8-062 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 январдаги 89-03-457-сонли маълумотномаси). Натижада тематик инглиз–рус–ўзбек тилларидаги расмий луғат яратилди;

нутқий тузилмалар деривацияси ва уларнинг функционал-семантик мундарижасига доир хулосаларидан И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот коммуникация технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 январдаги 89-03-457-сонли маълумотномаси). Натижада бир қатор луғавий бирликларнинг лексикографик изоҳлари мукамаллашган.

гапнинг номинатив аспекти ва синтактик муносабатлар бўйича олинган натижалар Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Самарқанд садоси» дастури сценарисини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 17 октябрь 09-02/509-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23та илмий мақола нашр қилинган. Уларнинг 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, 17 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 142 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқотнинг Республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари билан мослиги, қўлланилган таҳлил методлари, эришилган илмий янгиликлар, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти хусусида сўз юритилади.

Диссертациянинг биринчи боби **“Нутқий жараён ва унинг номинатив аспекти”** деб номланиб, унда биз танлаган мавзуга тааллуқли бўлган тадқиқот ишлари ҳақида маълумот берилди, манбаларда айтилган фикрларга муносабат билдирилди.

Нутқий жараённинг ташкил этилиши масаласи ҳозирги тилшуносликнинг долзарб аҳамиятга эга бўлган тадқиқот объектларидан бири саналади, зотан, бу ўринда инсон омили муҳим аҳамият касб этади. Инсон нафақат тилнинг, балки нутқнинг ҳам том маънодаги эгасидир. Тил эгоцентрик характерлидир. Бу нарса сўзловчининг иштирокида янада ёрқинроқ ҳис этилади.

Бироқ тилшуносликнинг ҳозирги давригача Ф.де.Соссюр илмий асослаб берган “тил ва нутқ” дихотомиясининг иккинчи қиррасига жиддий аҳамият берилмади, Е.А.Попованинг таъбири билан айтганда, ҳозиргача тилшунослик инсон омили иштирокидан йироқ эди<sup>2</sup>.

Таъкидлаш лозимки, инсон нутқи унинг тафаккур фаолияти билан узвий боғлиқ бўлади. Тафаккур инсон омили билан боғлиқ экан, нутқ шаклланишини сўзловчининг тажрибаси ва нутқий кўникмаси доирасида ўрганиш лозим бўлади. Албатта, нутқнинг шаклланиши дастлаб новербал характерли ички нутқ орқали рўй беради. Ташқи нутққа ўтиш жараёнида эса барча тил белгилари экстралингвистик омиллар қуршовида фаоллашади. Бунда, албатта, синергетик омилнинг аҳамияти катта бўлади. Синергетик омил деганда, айти пайтда тил системаси бирликларининг нутқда ўз-ўзини бошқаришини тушунамиз. Тадқиқот ишларида тил системаси бирликларининг синергетик хусусияти имманент характерли эканлиги таъкидланади. Аммо буни нисбий тушунмоқ керак, зеро, тил ва тафаккур ўзаро боғлиқ экан, тил системаси бирликларининг нутқий жараёндаги иштироки инсон фаолияти таъсирида бўлади. Бу эса *синергетика* тушунчаси ҳам инсон омилдан айро ҳолда фаоллик кўрсата олмаслигини англатади.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, нутқда ҳосил бўлувчи номинатив бирликлар, жумладан, гап орқали ифодаланувчи номинатив бирликларнинг қўлланиши ҳам синергетик кучга эга бўлган жиддий қонуниятларга бўйсунувчи муайян системани ташкил этади. Систем тилшуносликнинг ҳам замирида айнан ана шу нарса ётади.

---

<sup>2</sup>Попова Е.А. Человек как основополагающая величина современного языкознания // Филологические науки, 2002, №3. – С.69.

Равшанки, систем тилшунослик (ички тилшунослик) муаммолари том маънода тил системаси ва унинг синергетик кудрати билан узвий боғлиқдир. Бироқ бугунги кунда ташқи тилшунослик муаммолари ҳам атрофлича ўрганилмоқда. Масалан, когнитив-прагматик муаммолар таҳлили бунинг ёрқин намунаси бўлиши мумкин. Когнитив тилшунослик айна пайтда мустақил мақомга эга бўлди<sup>3</sup>.

Нутқнинг шаклланиши икки нарса билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг биринчисини сўзда, иккинчисини эса синтактик қурилмада кўрамиз. Бошқача айтганда, фикр ифодаланиши мазмуний жиҳатдан сўз билан боғлиқ бўлса, сўзларнинг нутқда қўлланилиши синтактик структураларни талаб қилади. Сўзнинг нутқда қўлланилишида унинг позицион ҳолати муҳим рол ўйнайди: *Анвар китобни Собирга берди – Собир китобни Анварга берди*. Берилган гапларда бир хил сўзлар қатнашаётган бўлса-да, позицион ҳолат гапнинг мазмуни салмоғини ўзгартириб юбора олади: *The dog bit the man – The man bit the dog*<sup>4</sup> (Ит одамни қопди – Одам итни қопди).

Қайд этиш лозимки, ҳозирги пайтда тилшуносликка оид адабиётларда гапнинг структур схемаси ҳақида кўп фикр билдирилмоқда. Баъзи тилшунослар уни ҳатто тил бирлиги тарзида тавсифламоқдалар. Назаримизда, бу изоҳталаб кўринади. Чунки структур схема тил бирликлари ичида яшамайди. У инсон онгида шаклланади ва сўзловчининг кўп йиллик тажрибаси ва кўникмаси маҳсули саналади<sup>5</sup>. Структур схема абстракт ифодали бўлади, унда мудом виртуаллик белгисини кўрамиз, гап эса ҳар доим актуал ифодалидир.

Структур схеманинг гапга айланиши сўзловчининг иштирокига муҳтож бўлади. Сўзловчининг гапириши билан боғлиқ *локутив*, *иллокутив* ва *перлокутив* каби прагматик актларнинг бирортаси ҳам структур схемада ўз ифодасини топа олмайди.

Таъкидлаш лозимки, гап ҳақида мулоҳоза юритганимизда биз предикативлик ҳодисаси билан дуч келамиз. Мазкур ҳодиса узоқ тарихга эга бўлишига қарамай, бу масала бобида ҳамон мунозарали ҳолатлар кўзга ташланади. Айрим олимлар предикативликни мантиқий ҳодиса десалар, баъзи тилшунослар уни грамматик-мантиқий ҳодиса деб биладилар.

Назаримизда, предикативлик мантиқий ҳодисадир, унга грамматик мақом бериш анча сунъийликка олиб келади. Т.П.Ломтев уни тўлиқ мантиқий ҳодиса сифатида тавсифлаб, бунда грамматик тушунча ўз ифодасига эга эмаслигини таъкидлайди. Олимнинг фикрига кўра, предикативлик воқеликка муносабат билдиради, аммо у атов (номинатив) маънони англатмайди<sup>6</sup>.

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006, 7–бет.

<sup>4</sup> Харрис З.С. Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре // Новое в лингвистике, вып. 2 – М., 1962. – С. 541.

<sup>5</sup> Абдуразаков М.А. Семантические типы субъектов. – Ташкент, 1991. – С. 62; Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – М., 1982. – С. 83.

<sup>6</sup> Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории. – М., 1972. – С. 29-30.

Предикативлик ҳодисасининг замон тушунчасига алоқаси йўқлиги ҳам айтилмоқда, зотан, феъл иштирок этмаган гаплар ҳам воқеликка муносабат билдиради<sup>7</sup>. Г.Н.Манаенко пропозицияни номинациянинг натижаси сифатида тавсифлайди ва предикация тушунчаси пропозиция шаклланишида қатнашмаслигини, бу икки ҳодиса бир-бирига зид эканлигини алоҳида таъкидлайди<sup>8</sup>. Бу фикрга қўшилиш мумкин, чунки предикативлик атов (номинатив) маъно англатмагач, унинг пропозиция шаклланишида қатнашмаслиги табиийдир. Умуман олганда, предикативлик ҳақида айтилиб келинаётган фикрлар бир хил эмас. Улар тавтологик характерга эга.

Пропозиция тушунчаси бобида ҳам олимларнинг фикрлари бир хил эмас. Масалан, Н.Д.Арутюнова уни гапнинг модаллик, коммуникатив ҳамда шу гапнинг ҳосила қурилмалари учун умумий бўлган семантик инвариант деб тушунса<sup>9</sup>, С.Д.Кацнельсон уни *реляцион* предикат тушунчаси билан боғлайди ва ички нутқ маҳсули сифатида талқин этади<sup>10</sup>. Бизнингча, айти пайтда А.Д.Арутюнова ва С.Д.Кацнельсонлар фикрлари ўртасида жиддий зиддият йўқ. Бунда масала тавсифига бир ўринда умумий, иккинчи ўринда эса конкрет тавсиф берилмоқда, холос. Пропозициянинг семантик инвариант эканлигини ҳам, пропозициянинг ифодаланишига реляцион предикатнинг аҳамиятини ҳам инкор этиб бўлмайди, зотан, пропозиция ана шу реляцион предикатнинг бўш ўринларини тўлдириш орқали воқеланади.

Ҳ.Усмоновнинг қайд этишига кўра, пропозиция муайян синтактик қурилма воситасида ифодаланган объектив воқеликни акс эттиради<sup>11</sup>. Албатта, объектив воқелик гап орқали ифодаланади, пропозиция эса гап шаклланишининг мазмуний синчини ташкил этади, холос. Н.Д.Арутюнова бунга қуйидаги мисолни беради ва бунга тўлиқ қўшилиш мумкин: “Я утверждаю (сомневаюсь, полагаю, знаю, думаю, отрицаю), что в городе начались беспорядки”, “Мен таъкидлайманки (шубҳа қиламанки, ўйлайманки, биламанки, инкор этаманки, шаҳарда тартибсизликлар бошланган)”. “Я спрашиваю, не начались ли в городе беспорядки”, и т.п. “Мен сўраяпман: шаҳарда тартибсизликлар бошланмадими?, ва ҳоказо<sup>12</sup>. Бунда “в городе начинаться беспорядки”, “шаҳарда тартибсизликлар бошланиши” тарзида изоҳланиши мумкин бўлган семантик инвариант ётганлигини кўрамиз. Айнан ана шу нарса *пропозиция* тушунчасини тақозо этади ва бир пайтнинг ўзида гапнинг номинатив аспекти ҳам белгилайди.

Пропозиция тўлақонли хабар ифодасини бермайди. Пропозиция орқали абстракт хабар ифодаси вужудга келади. Қандай бўлишидан қатъи назар,

<sup>7</sup> Степанов Ю.С. Основы общего языкознания, – М., 1975–С. 134. Хайруллаев Х. З. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати // Номзодлик дис. автореф. – Тошкент, 2001.

<sup>8</sup> Манаенко Г.Н. Предикация, предикативность и пропозиция в аспекте “информативного” осложнения предложения // Филологические науки, 2004. №2 – С. 60; 64.

<sup>9</sup> Арутюнова Н.Д. Пропозиция // Лингвистический энциклопедический словарь. – М, 1990. - С. – 401;

<sup>10</sup> Кацнельсон С.Д. Речемыслительные процессы // Вопросы языкознания, 1984. №6. –С. 3-8.

<sup>11</sup> Усмонова Ҳ. Ш. Ўзбек тилидаги гап бўлақларининг позицион тадқиқи // Докт. дис. автореф. – Тошкент, 2007, 19-бет.

<sup>12</sup> Арутюнова кўрсатилган мақола, 401–бет.

пропозиция номинация натижасини тақозо этади<sup>13</sup>. Ва бунда *предикат* тушунчаси муҳим роль ўйнайди. Чунки предикатда мавжуд бўлган бўш ўринларнинг тўлдирилиши (актант ва сирконстантлар воситасида) муайян пропозиция асосида гап шаклланишини вужудга келтиради<sup>14</sup>.

Тил бирликларининг аташ маънолари ўз мазмун эътибори билан нутқ бирликларининг номинатив хусусиятларидан фарқланади, зотан, тил бирликлари *доимий* равишда предметнинг, иш-ҳаракатнинг, белгининг, ҳолатнинг номини атайди, нутқ бирликлари эса (масалан гап) муайян ситуацияни, ҳолатнинг номинатив ифодасини кўрсатади ва шу боис *бир марталик* аҳамият касб этади<sup>15</sup>. Бошқача айтганда, лексик номинация узвув, гапнинг аташ хусусияти эса окказионал характерга эгадир. Уларнинг ҳар иккисини ҳам ўрганганимизда эса, *денотат* ва *сигнификат* каби тушунчаларга асосланамиз. Денотат нолингвистик фактор саналади, чунки у воқеликдаги муайян предметни, объектни тақозо этади, мазкур предметнинг тафаккурда акс этиши эса сигнификатдир. Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, гапнинг денотати предмет эмас, балки яхлитлигича олинган ситуация саналади. Шу боис гап пропозитив номинацияни тақозо этади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Лексик ва пропозитив номинациялар ҳамда уларнинг ўзаро муносабати**” деб номланиб, у қуйидаги икки параграфни ўз ичига олади: 1. Лексик номинация. 2. Пропозитив номинация.

Энг аввал шуни айтиш керакки, *номинация* сўзи аслида латинча бўлиб (*nominatio*), номланиш, аталиш деган маъноларни англатади. Мазкур тушунча ономазиология тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам тилнинг номинатив бирликларини ўрганиш билан шуғулланади, зотан, *ономазиология* – бу номинатив назария демакдир.

Бугунги тилшуносликда, асосан, лексик ва пропозитив номинациялар ўрганилмоқда. Лексик номинация билан пропозитив номинация узвий боғлиқдир. Зотан, лексик номинация унсурлари тил системасининг асосий бирликларини тақозо этади, пропозитив номинация эса, ўз навбатида, лексик бирликлар доирасида шаклланади. Бу жиҳатдан лексик ва пропозитив номинациялар ўртасида чамбарчас боғланиш вужудга келади.

Равшанки, ҳар қандай гап муайян воқеа-ҳодисани номлаш учун хизмат қилади ва у ҳақда маълумот беради. Воқеа–ҳодисаларнинг гап шаклида ифодаланиши учун синтактик структураларни тўғри танлаш лозим бўлади. Бу эса, ўз навбатида, сўз мақомидаги номинатив бирликларнинг ҳам тўғри танланишини талаб қилади. Бошқача айтганда, сўзловчида тайёр ҳолдаги номинатив бирликлар захираси бўлмоғи муҳим аҳамият касб этади.

<sup>13</sup> Манаенко Г.Н. Кўрсатилган мақола, 64-65-бетлар.

<sup>14</sup> Давлатова Р. Х. Пропозиция ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши // Номзод. дис. автореф. – Тошкент, 2009, 14 – бет. Олешков М.Ю. Дискурсивные категории в коммуникативном процессе (опыт лингвопрагматического анализа) // Филологические науки, 2006. №4 – С. 106. Копров В.Ю. Аспекты описания семантико-структурного устройства предложения. – Воронеж, 2007. – С.28. (<http://www.bestreferat.ru>).

<sup>15</sup> Солнцев А.В. Виды номинативных единиц // Вопросы языкознания, 1987, №2. – С. 133.

Номинатив бирликларнинг барчаси (от, сифат, феъл, равиш) муайян тушунча ифодалаши билан бир-бирига яқин турса-да, уларнинг ҳар бири иккинчисидан кескин фарқланади.

“Тил фаолияти асосий қуроли нутқ товушлари, материали эса номланиш объектлари бўлган атов актларида юзага келади. Ном (исм) бунда мазкур конкрет фаолият маҳсули бўлса, номланиш (аталиш) фаолият жараёнини тақозо этади”<sup>16</sup>. Аммо шуни айтиш керакки, ном билан унинг предмети ўртасида ҳеч қачон тўлиқ муштараклик кузатилмайди. Бошқача айтганда, денотат билан сигнификат муносабати доимий равишда бир хилда мослаша олмайди. Чунки нутқ жараёнида сигнификат денотатдан узоқлашиши ва узвий боғланиши ҳам мумкин. Масалан, кўп пайтларда бақалоқ одамларни айиққа, кучли одамларни эса йўлбарсга ўхшатишади. Бундай вазиятда денотат билан сигнификат ўртасидаги мутаносиб боғланиш абстрактлашади.

Аслини олганда, денотат ва сигнификат ўртасидаги мутаносиб боғланиш номинатив бирлик от билан ифодалаганда рўй беради. Номинатив бирлик мақомида келувчи отдан бошқа сўзларда эса денотат билан сигнификат боғланиши бирмунча абстрактлашади. Масалан, *йўл, уй, тош, юрмоқ, ўтирмоқ, сузмоқ* сўзларини олайлик. Бунда *йўл, уй, тош* сўзларининг предмет ифодалари аниқ кўзга ташланади. Бироқ *юрмоқ, ўтирмоқ, сузмоқ* сўзларида ҳаракат, ҳодиса ифодалари аниқ бўлса ҳам, уларда денотат тушунчаси мавҳум эканлигини кўрамайди.

Равшанки, ясама сўзлар ҳам тилимизнинг луғат бойлигида яшовчи номинатив бирликлардир. Лекин улар лингвистик табиатига кўра туб сўзлардан кескин фарқланади. Масалан, *пахта* туб сўзининг денотати конкрет ифодали бўлиб, у юмшоқ предметни тақозо этади. Бироқ *пахтакор* ясама сўзида *пахта* (денотат) сўзининг маъноси иккиламчи характер касб этади. Бу ўринда инсон омили денотат вазифасида фаоллик кўрсатади ва бу ўзгаришлар жараёнида олдин берилган сўзнинг сигнификати ҳам ўз кучини йўқотади. Чунки айтилган пайтда инсон тушунчаси сигнификат мақомидадир.

Сўз ясалиши масаласига тилшунослар антиқ даврлардан буён эътибор қаратиб келмоқдалар. Фикр далилини Маҳмуд Кошғарийнинг қуйидаги сўзларида кўришимиз мумкин: “Отлар икки турлидир .... ясама от ва туб от. Феъллардан ясалган отлар феъл охирига ўн икки харфдан бирини қўшиш билан ясалади. *Kiliç, oқ* каби отлар туб отлардир. Бу хил отлар бошқа сўзлардан келиб чиқмаган, ясама отлар бошқа сўзлардан келиб чиқади”<sup>17</sup>.

Ясама сўзлар ичида қўшма сўзлар ҳам ўзига хослиги билан алоҳида аҳамият касб этади ва улар ҳам номинатив бирликлар жумласига киради: *отқулоқ, гултожхўроз, шофобахи, меҳмондўст* ва ҳ.қ. Анъанага кўра, қўшма сўзлар композиция усулида ясалиши таъкидланади. Лекин бугунги тилшуносликда қўшма сўзлар ҳақида турлича фикрлар билдирилмоқда.

<sup>16</sup>Амирова Т.А., Ольховиков Б.А., Рождественский Ю.В. Очерки по истории лингвистики. –М., 2005. –С.52.

<sup>17</sup>Кошғарий М. Девону луғотит турк.–Тошкент, 1960, 50-бет. Бу ҳақда яна қаранг: Турниёзов Н. Маҳмуд Кошғарий ва ҳозирги тилимизда сўз ясалиши ҳодисаси ҳақида // Хорижий филология, 2014 №3, 9-бет.

Бунинг асосий сабаби уларнинг сўз бирикмаларига якин туришидир. Бу ҳақда А.И.Смирницкийнинг куйидаги мулоҳазаларига мурожаат қиламиз: “Бу соҳада муаммоли нарса шундан иборатки, қўшма сўзлар билан сўз бирикмаларини ажратиш кўп пайтларда қийинчилик туғдиради<sup>18</sup>”.

Олим инглиз тилида *stone wall – тош девор, speech sound – нутқ товушлари, door’s handle – эшик дастаси* каби қурилмаларни қўшма сўз ёхуд сўз бирикмаси деб ҳисоблаш масаласи муаммоли эканлигини қайд қилади.

Бундай муаммоли масалалар бошқа тиллар материалида ҳам кузатилади. Ҳатто А.Ҳожиев “қўшма сўз” терминидан, умуман, мазкур тушунчадан воз кечиш лозимлигини таъкидлайди: “Композиция усули билан сўз яшаш деганда, сўз қўшиш йўли билан сўз яшаш тушунилади. Бундай бирикиш натижасида луғавий бирлик, яъни лексема эмас, балки синтактик бирлик – сўз бирикмаси ёки гап ҳосил бўлади (Мисол келтиришча ҳожат йўқ). Шу фактнинг ўзиёқ кўрсатадики, сўз қўшиш билан сўз ясалиши (шундай сўз яшаш усули) ҳақида гап бўлиши мумкин эмас”<sup>19</sup>.

Дескриптив тилшуносликда қўшма сўзларнинг сўз бирикмаси ва гап шакллари билан муносабати, яъни уларнинг ички структуралари якин эканлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Аммо қўшма сўз тушунчасидан воз кечилгани йўқ. Масалан: *a chimney sweeper–трубочист, He sweeps chimneys–Он чистит трубы; The man refused to chair the session– Человек отказался председательствовать на сессии–The man’s refusal to chair the session– отказ человека председательствовать на сессии*<sup>20</sup>.

Қандай бўлишидан қатъи назар, қўшма сўзлар том маънода номинатив бирликларни тақозо этади.

*Пропозитив номинация*, аниқроғи, *пропозиция* термини бугунги кунда семантик синтаксисда кўп қўлланилмоқда. Бу тушунчадан когнитив-прагматик тилшунослик муаммолари тадқиқида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Мазкур термин аслида лотинча бўлиб (*propositio*), ундан дастлаб мантикда (логикада) ҳукм маъносида фойдаланила бошлаган. Бироқ шу билан бир пайтнинг ўзида, у тилшуносликда ҳам *gap* маъносида қўлланилиб келинмоқда (Масалан, инглиз ва француз тилларида *proposition* термини гап тушунчасини англатади).

*Пропозиция* термини Н.Д.Арутюнованинг қайд этилишига кўра, гапнинг барча модал ва коммуникатив парадигмалари учун семантик инвариант саналади<sup>21</sup>. Пропозиция тушунчаси мазкур мазмуний ифодани XIX–асрнинг охири, XX–асрнинг бошларида гапни мантикий жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида ўзлаштиради. Бунга немис олими Готлаб Фрегенинг ғоялари кучли таъсир қилди.

Г.Фреге мантикий семантиканинг асосчиси сифатида номинатив маъно тушунчасини ҳам мукамал изоҳлаб берди. Олим дастлаб лексик

<sup>18</sup>Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. –М., 1998. –С.114.

<sup>19</sup>Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. –Тошкент, 2007, 8-бет.

<sup>20</sup>Кубрякова Е.С. Теория номинации и словообразования/Языковая номинация(Виды номинаций).–М.,1977. – 230-бет.

<sup>21</sup>Арутюнова Н.Д. Пропозиция// Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. –С.401.

номинацияни, кейин эса гапнинг ҳам номинатив бирлик эканлиги ҳақидаги масалани тадқиқотлар кун тартибига киритди. Денотат ва референция тушунчалари ҳам дастлаб Фреге томонидан қўлланилди<sup>22</sup>.

Гапнинг пропозитив структураси ҳақида инглиз олими Б.Рассел ҳам сўз юритади ва уни инсон тафаккури махсули сифатида изоҳлайди. Хаёлимизда шаклланган рост ёки ёлғон фикр – бу пропозициядир<sup>23</sup>.

С.Д.Кацнельсоннинг тўғри таъкидлашига кўра, пропозиция мучаларининг бирортаси ҳам эга вазифасида ҳам, тўлдирувчи вазифасида ҳам (ёки гапнинг бошқа бўлаклари) келмайди. Улар пропозиция асосида шаклланган гапдагина бундай вазифаларда кела олади. Бу жиҳатдан пропозиция муайян образ ёки картинани тақозо этади.

Пропозиция реляцион предикат аргументлари сонига қараб аниқланади: *Я вернул брату книгу; брат получил от меня книгу обратно; книга возвращена мной брату.* Бу ўринда уч ўринли предикатни кўрамиз: *“вернуть – получить обратно – быть возвращённым”*. Аргументлар актуал ҳолатга келмагунча, предикат фақат пропозиционал функция ҳолатида бўлади. Бошқача айтганда, бундай вазиятда предикат мавҳум ифодали бўлади<sup>24</sup>.

Дарҳақиқат, юқорида эслатиб ўтилган предикат уч хил шаклда берилмоқда. Уларнинг қайси бири қўлланадиган бўлса, шунга қараб аргументлар танланади. Бу ўринда аргументлар ва уларнинг бўш ўринлари тўлдирилиши (предикат валентлиги даражасига қараб) муҳим аҳамият касб этади: *Собир Алидан китобни қайтариб олди – Али Собирга китобни қайтарди – Китоб Алидан Собирга қайтарилди.* Бундай пропозиционал вазиятга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: *сотмоқ – сотиб олмоқ – сотилмоқ; Собир Алига олма сотди – Собир Алидан олма сотиб олди – Собирдан Алига олма сотилди.*

Юқорида фаоллаштирилмаган предикат пропозиционал функция ҳолатида бўлиши ҳақида сўз юритилди. Буни берилган мисоллар материалида қуйидагича изоҳлаш мумкин: *Собир, Али, китоб - қайтариб олмоқ. Собир, Али, олма – сотмоқ. Айни пайтда келтирилган гапларнинг пропозициялари образларини кўриб турибмиз.* Бунда актантлар ҳам (Собир, Али, китоб, олма), реляцион предикатлар ҳам (қайтариб олмоқ, қайтармоқ, қайтарилмоқ, сотмоқ, сотиб олмоқ, сотилмоқ) виртуал ҳолатда эканлигини кўрамиз. Берилиши керак бўлган гаплар шакллангач, пропозиция компонентлари муносабатга киришади ва актуаллашади. Ана шундан кейин номинатив пропозиция гапнинг семантик инвариант моделини ташкил этиши ҳақида сўз юрита оламиз.

С.Д.Кацнельсон пропозитив структура шаклланишини гап, аниқроғи, нутқ шаклланишининг бошланғич босқичи деб тавсифлайди ва бу икки нарса билан узвий боғлиқ бўлишини таъкидлайди: 1.Сўзловчининг ички нутқи.

<sup>22</sup>Frege G. On sense and reference. “Translations from philosophical writings of Gotteh Frege”. –Oxford, 2012. –P. 63.

<sup>23</sup>Russel B. Logic and Knowledge. – London, 2007. –P.313-314.

<sup>24</sup>Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. –Л. 1989. –С.135.

2. Сўзловчининг ташқи нутқи. Ички нутқ сўзловчининг ўзига мўлжалланган бўлади. Бунда сўзловчи танланган ёхуд танланиши мўлжалланган предикатга мос актантларни ҳам назарда тутлади. Бу жараёнда танланаётган тил бирликларининг семантик жиҳатлари ва қўлланиши лозим бўлган синтактик структураларнинг уларга мослиги масаласи ҳам механик тарзда эътиборга олинади. Шу боис И.П.Сусов пропозиционал структурани шакллантирувчи актантлар ва предикатнинг семантик ва синтактик жиҳатларини эътиборга олиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Олимнинг фикрига кўра, пропозитив структура марказида предикат фаоллик кўрсатади ва у бу жараёнда ўзининг синтактик валентлиги даражаларини тўлиқ намоён этади<sup>25</sup>.

Пропозиция гапнинг энг муҳим семантик компоненти саналади ва у ҳар бир трансформада шу (стабил) ҳолатини сақлайди: *Обиджон қизнинг қўлидаги тугунини олди (Ҳ.Фулом. Қорадарё)*. Бу ўринда коммуникатив жараён талабига кўра қуйидаги гаплар шаклланиши мумкин эди: *Обиджон қизнинг қўлидаги тугунни олармикан – Обиджон қизнинг қўлидаги тугунини олса эди – Обиджон қизнинг қўлидаги тугунни олмадимми?* Мазкур гапларнинг барчаси ягона пропозицияга асосланмоқда ва шу боис уларни инвариант структурали коммуникатив парадигма аъзолари сифатида ўрганамиз. Бу жуда муҳимдир. Чунки сўзловчининг иллокутив режаси коммуникатив жараён талабига кўра ҳар доим тингловчига таъсир этувчи перлокутив режа билан мослашади.

Номинатив маъно гапда албатта пропозицияга асосланади. Шунинг учун кейинги пайтларда *пропозитив номинация* тушунчаси кенг қўлланилмоқда. *Пропозитив номинация* тушунчаси нафақат синтактик структураларни, балки тил ҳодисаларини семантик жиҳатдан ўрганишда ҳам ғоят муҳимдир<sup>26</sup>.

Гапнинг ортида муайян ситуация туриши номинатив ҳодисани тақозо этади, ситуациянинг ортида эса пропозиция туради. Бу эса пропозитив номинация учун асос бўлади: 1. *The rain dripped from the palm tress (O. Henri) — Пальма дарахтларидан ёмғир томчилаб туради.* 2. *An instant later our door opened, and tall young man entered the room (The Memoirs of Sherlock Holmes) — Бир дақиқадан сўнг эшигимиз ланг очилиб, хонага новча бир йигит кириб келди.*

Биринчи гапда структураси ихчам бўлгани учун ягона пропозиция мавжудлигини кўрамай ва шу боис ситуация билан гапни изоморф ҳодиса сифатида тавсифлаш мумкин. Аммо бунинг нисбий тушунамиз, чунки ситуация гапнинг ортида туради ва у гап билан ҳеч қачон мутлақ изоморф ҳодиса бўлолмайди.

---

<sup>25</sup>Сусов И.П. Пропозициональная структура предложения // Материал интернета ([www.homopages.trersu.ru/-ips/s.02.htm](http://www.homopages.trersu.ru/-ips/s.02.htm)), 2004.

<sup>26</sup>Арутюнова Н.Д. Специфика пропозитивной номинации // Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М., 1972. – С. 309.

Иккинчи мисолда эса иккита пропозитив структура мавжудлиги ортида турган ситуация билан гапнинг изоморф ҳодисалар бўлишига монелик қилади.

Сўз бирикмасини ёхуд гап доирасида номинатив маъно ҳақида сўз юрита оламиз. Бироқ ситуация тушунчаси фақат гап ва ундан катта синтактик бирликлар доирасида амал қилинади. Ситуация инсон омилисиз вужудга келмайди.

Учинчи боб **“Гапнинг номинатив аспекти”** деб номланади вауч параграфни ўз ичига олади.

*Биринчи параграфда* тил белгиларининг нутққа кўчирилиши масаласи тадқиқига тўхталинди. XX аср тилшунослигида тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш лозимлиги тадқиқотлар кун тартибига киритилиши катта ижобий воқеа бўлди.

Ф. де Соссюр ҳали ўз даврида башорат қилиб тилшуносликни икки қисмга – тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикасига бўлиб ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидланган эди. Аммо тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврига қадар тил лингвистикаси муаммолари нисбатан чуқур ўрганилди, нутқ лингвистикаси эса эндигина илмий асосланди. Айни пайтда ташқи тилшунослик муаммолари ҳам тадқиқотларимиз кун тартибидан ўрин олдики, бу орқали инсон омили ҳам энг кучли когнитив-прагматик восита сифатида ўрганилмоқда ва шу боис XXI аср тилшунослиги антропоцентриқ мақомга эга эканлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Бугунги тилшуносликда матн коммуникатив жараённинг асосий бирлиги сифатида кўрсатилмоқда, зотан, унда тил бирликларининг барчаси ўзаро кесишади. Бироқ матн жумлалардан (гаплардан) ташкил топади. Албатта, кенг маънода тилнинг нутқда қўлланишини матнда қайд этамиз. Аммо тилнинг индивидуал қўлланиши жумлалар орқали содир бўлади. Шу боис жумлани (гапни) коммуникатив жараённинг асосий ва минимал бирлиги сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Замонавий тилшуносликда мулоқот бирлигини *дискурс* деб ҳам юритилади. Жумла эса аксарият ҳолларда ана шу нарсанинг ўзини тақозо қилади.

Нутқда жумла (гап) шакллангунга қадар тил ўзига хос имконият тарзида мавжуд бўлади, нутқий жараён бошлангандан кейин эса у инсонга фаолият кўрсатиши учун шароит яратувчи фаол воситага айланади<sup>27</sup>. Бизнингча, ана шу жараёнда сўзловчининг прагматик фаоллиги бошланади ва тил бирликларининг тилдан нутққа кўчирилиши босқичма-босқич содир бўла бошлайди.

Тил белгиларининг нутққа кўчирилиши жараёнида фонологик бирликлар морфемалар билан, морфематик бирликлар сўзлар билан ўзаро кесишади ва бу орқали улар функционал қиммат касб этади. Шубҳасиз, мазкур жараёнда инсон омилининг мавқеи катта бўлади. Чунки у ўзининг

---

<sup>27</sup>Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М., 2002. – С. 313.

дискурсив фаолиятида тил белгиларини танлаш билан машғул бўлади<sup>28</sup>. Сўзловчи тилни нутққа кўчириши жараёнида тилнинг виртуал белгиларини фаоллаштиради.

Равшанки, коммуникатив жараёнда сўзловчининг иштирок этиши, яъни унинг эгоцентрик мавқеи изоҳ талаб қилмайди. Бироқ тил бирликларининг амалда қўлланилиши ҳар доим ҳам сўзловчининг эксплицит нутқи билан эмас, балки сўзловчи иштирокининг имплицит ҳолати билан берилиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда лексик номинация омиллари ҳам, пропозитив номинация ҳам вакуумда, яъни вербаллашмаган ҳолатда намоён бўлади.

Тилдаги барча белгилар абстрактлик, потенциаллик, ноактуаллик белгиларига эга бўлади. Бундан ташқари, тил белгилари нофункционал характерли эканлиги билан ажралиб туради. Бунда уларнинг лингвистик мақоми билан боғлиқ функциялари ҳақида сўз юрита оламиз, холос. Масалан, тилдаги фонема, морфема ёки сўзнинг лингвистик мақомлари фикримиз далили бўла олади. Улар нутққа кўчирилгандан кейин эса нафақат маънолари (фонема бундан истисно), балки бажарадиган функцияларига кўра ҳам абстрактликни тарқ этади. Бошқача айтганда, абстракт хусусият, мавҳум маъно тилга хос бўлса, конкрет хусусият, конкрет маъно ифодаси нутққа тегишлидир<sup>29</sup>. Бундай мулоҳаза Н.С.Трубецкой томонидан ҳам айтилган эди. Унинг фикрига кўра, тилдаги сўзлар маънолари жиҳатидан мавҳум бўлади. Улар нутққа кўчирилгандагина конкрет маъно англатади<sup>30</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тил бирликлари, масалан, сўз нутққа кўчирилмагунча кўп маъноли бўлиши мумкин. Аммо у нутққа кўрилгач, ягона маъно ифодасини беради. Сўз нутқда бир маъноли, лекин кўп функцияли бўлиши ҳам кузатилади.

Тил белгиларининг нутққа кўчирилиши масаласини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, зеро, лексик ва пропозитив номинатив бирликларнинг ўзаро муносабатга киришуви нутқда амалга ошади.

